

**“Агробанк” АТБ акциядорларининг
навбатдаги йиллик умумий
йиғилишининг 2016 йил
24 июндаги 33 - сонли мажлис
баённомасига 10 - сонли илова**

**“Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг Бошқаруви тўғрисида”ги
Низомга киритилаётган
қўшимча ва ўзгартиришлар матни**

1.Низомнинг 4-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Бошқарув раиси танлов бўйича саралаш асосида танланади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади ва кейинчалик банк Кенгаши тасдиғига киритилади. Бошқарув раисининг ўринбосарлари ва Бошқарув аъзолари Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки билан келишилган ҳолда банк Кенгаши томонидан ўрнатилган тартибда тайинланади ҳамда лавозимидан озод қилинади”;

2.Низомнинг 15-банди м) кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“м) банк Кенгашида кўриб чиқиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган узоқ муддатли стратегия асосида банкнинг қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) бизнес-режаларни ва банк Кенгаши ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар бўйича таклифлар киритади”;

3.Уставнинг 15-банди т) кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“т) акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган ташкилий тузилмаси асосида банкнинг бошқарув ташкилий тузилмасини тасдиқлайди”;

4.Уставнинг 15-банди қуйидаги мазмундаги ч) кичик банди билан тўлдирилсин:

“ч) акциядорларнинг умумий йиғилиши ва банк Кенгаши ваколати доирасидан ташқари бўлган қимматли қоғозларни чиқариш ва муомалада бўлиш тўғрисидаги қарор қабул қилади”;

5.Низомнинг 21-банди иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Банк Бошқаруви акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан олдиндан маъқулланган банкнинг аффилиланган шахслари билан битимларни тузиш ваколатини банкнинг ҳудудий бошқармалари, қўмита ва комиссиялари, филиаллари, шуъба ва тобе корхоналарига беришга ҳақли”.

6. Низомнинг 23-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“23. Бошқарув раиси Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида бир йилда бир марта банк фаолияти юзасидан ҳисобот беради. Ҳисоботида, банк бошқаруви аъзоларининг мукофот ва компенсациялари миқдорини ошқор этади”.